

Имтиҳонлар давом этади



20:24 / 18 август 466

Эртага 19 август куни Тошкент шаҳридаги 6-ҳудудда абитуриентларнинг тест синовларига кириш рухсатномасида ёзилган вақтда имтиҳон жараёнлари бошланади.

Тошкент шаҳридаги мазкур 6-ҳудудда 19-24 август кунлари 2 631 нафар абитуриент тест топширади.

Абитуриент тест синовларига шахсини тасдиқловчи паспорти ёки ID карта ҳамда имтиҳон рухсатномаси билан келиши талаб этилади.

Мазкур ҳужжатлардан бири бўлмаган тақдирда ҳамда ўз вақтида келмаган абитуриент тест синовларига киритилмайди.

6-ҳудуд манзили: Тошкент шаҳри, Ҳазрати Имом мажмуаси, Тилла

Шайх масжиди: <https://maps.app.goo.gl/Sfqih2yKEqMcAgFA9>